ЎҚУВ АДАБИЁТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Каримов Бахромали Тожиматович
ТошДТУ “ЕУТТ” кафедраси в.в.б.доценти п.ф.ф.д.,(PhD)
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20112336

Аннотация: Ушбу мақолада компетенцияга йўналтирилган замонавий ўқув адабиётларини яратишда унинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарур ва долзарб масала эканлиги баён этилган.

Шунингдек ўқув адабиётларининг концептуал асоси унинг таълим жараёнидаги самарадорлигини оширишда ва кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Калит сўзлар: ўқув адабиёти, мақсад, концептуал асос, мазмун, модул, мутахассис, компетенция, фаолият.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ УЧЕБНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Аннотация: В данной статье излагается, что при создании современной учебной литературы, направленной на компетентность, разработка его концептуальной основы является необходимым и актуальным вопросом.

Также подчеркивается, что концептуальная основа учебной литературы важна для повышения ее эффективности в образовательном процессе и достижения намеченной цели.

Ключевые слова: учебная литература, цель, концептуальная основа, содержание, модуль, специалист, компетенция, деятельность.

THE CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF EDUCATIONAL LITERATURE

Annotation: This article states that when creating modern educational literature aimed at competence, the development of its conceptual framework is a necessary and relevant issue.

It is also emphasized that the conceptual basis of educational literature is important for increasing its effectiveness in the educational process and achieving the intended goal.

Keywords: educational literature, purpose, conceptual framework, content, module, specialist, competence, activity.

1. Кириш

Ҳар қандай битирувчи моддий дунёда, жамоат хаётида, ишлаб чиқаришда вужудга келган воқеа, ҳодисаларни таҳлил қила олиши ва энг муҳими, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишида, моҳирлик ҳамда криативлик билан ёндашувини таъминлаш учун тизимли фикрлаши талаб этилади.

Бугунги кунда, таълим амалиёти шуни кўрсатадики, кўплаб талабалар олинган билимларни амалда қўллаш бўйича етарли компетенцияларга эга эмаслар, бу университетдаги бутун ўқув жараёнининг самарадорлигига, яъни таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Техника олий ўқув юртлари бугунги кунда нафақат фан бўйича тизимлаштирилган маълумотларга эга, давлат таълим стандартлари талаблари асосида компетенцияларни ривожлантирувчи, ўз касбий фаолиятида мақсад ва вазифаларни белгилай оладиган, муаммоли вазиятларда оқилона техник ечимлар ишлаб чиқишга қодир мутахассисларни тайёрлаш имконини берадиган ўқув адабиётларига эҳтиёж сезмоқда [1; 256-б.].

Юқоридагиларни назарда тутиб айтиш мумкинки, малакали, криатив ва тизимли фикрловчи етук мутахассисларни тайёрлашда, таълим жараёнида мутахассиснинг касбий фаолиятини талабанинг ўқув фаолияти билан боғловчи, самарадорлиги юқори ўқув адабиётларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда [2; 19-б.].

Методология

Маълумки, дарсликни лойиҳалаш, нашр этиш ва ўқув жараёнига жорий этиш учун биринчи ва муҳим шартларидан бири бу мазмун танлашнинг асосий тамойиллари, вазифалар ва машқларнинг моҳиятини асослаш, шунингдек дарсликнинг тузилишини аниқлашни ўз ичига олувчи концептуал асосларини ишлаб чиқишдир [3; 247–250-б.].

Тамойиллар таълимни илмий таҳлил қилиш асосида туғилади, ўқув жараёнининг дидактика томонидан ўрнатилган қонунларидан келиб чиқади. Улар ўқув жараёнининг умумий мақсадлари ва объектив қонунларига мувофиқ, ўқув ишларнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усулларини белгилайди [4; 64-б.].

“Таълим тамойили – ўқитиш ва ўқишнинг таълим ва тарбия мақсадларига ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш жараёни қонуниятларига мувофиқлигини аниқловчи қонундир” [5; 109-б.].

Тамойил - бу объектив мавжуд қонуниятлардан, яъни бутунни бир бутун қилиб турувчи “қисмлари” орасидаги зарурий боғлиқликлардан келиб чиқиб, амал қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар тушунилади [6; 97-б.].

М.В.Буланова “Таълим тамойиллари назарий тушунчаларни педагогик амалиёт билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилади” деган фикирни билдирган бўлса [7; 44-б.].

Белых А.С. худди шу фикирни давом эттириб “Таълим тамойиллари– назарий тушунчаларни педагогик амалиёт билан боғлайдиган кўприкдир. Улар ўқув жараёнининг объектив қонунлари ва таълим мақсадлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради” деб такидлайди [8; 65-б.].

Ўқув адабиёти концепцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб,таълим жараёни самарадорлигини оширишга, таълимдаги мавжуд муаммонинг ечимига қаратилади. Концепция таълим жараёнида компетенцияли, ғоявий-сиёсий етук, ўз касбий фаолиятида мақсад ва вазифаларни белгилай оладиган, муаммоли вазиятларда оқилона техник ечимлар ишлаб чиқишга қодир, мустақил креатив фикрловчи, замонавий мехнат бозори талабларига мос келувчи, техник фикрлаши ва лойиҳалашда жавобгарликни ҳис этувчи, кутилмаган вазиятда ҳаракатчан ва кутилган натижага олиб келувчи оқилона қарорлар қабул қилиш лаёқатига эга кадрлар тайёрлашни таъминлаши керак.

Шунинг учун биз аввало концепция сўзининг луғавий маъносини ўрганиш мақсадида кўриб чиқамиз.

Концепция [р–лат] Қарашлар, фикрлар системаси; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули [9; 397-б.].

Концепция (лот. conceptio — мажмуа, тизим) – бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назар [10; 593-б.].

Концепция [лот. conceptio – тўплаш, бирлаштириш, тизим, ибора] Қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули [11; 405-б.].

О.З.Имангожинанинг олиб борган илмий тадқиқотлари таҳлили дарслик концепциясининг тўрт жиҳатини аниқлашга имкон берган: мантиқий - фалсафий, психологик, дидактик ва функционал.

Унинг такидлашича дарслик концепциясининг **мантиқий–фалсафий** жиҳати таълим ислоҳотларини модернизация қилишнинг замонавий талаблари ва жамиятнинг ижтимоий буюритмасини акс эттириши керак. Қурилиш методологиясини илмий асослаш ва шу асосда талабаларнинг мустақил ва ўқув фаолиятини шакллантириш зарур. Ўрганиш онгли бўлиши керак.

Дарслик тушунчасининг **психологик** жиҳати. Дарслик таркибидаги туб ўзгаришлар замонавий психология фанининг ютуқларидан максимал даражада фойдаланишни талаб қилади. Дарслик тушунчаларни ёдлашга эмас, балки ўрганиш мотивларини, мустақиллик, ўрганишга масъулиятли ва ижодий муносабатни шакллантиришга қаратилиши керак.

Дарслик концепциясининг **дидактик** жиҳати таълимни механик ёдлашдан озод қилиш, унга ўқувчиларнинг шахсий қизиқиши ва ташаббускорлигини киритиш ва таълим мазмунига ривожлантирувчи характер бериш учун усуллар ва уларнинг хилма-хиллигини танлашга қаратилган бўлиши керак.

Дарсликнинг **функционал** жиҳати таълим мазмунини белгилаш шакли бўлиб, дарслик эса яхлит таълим ва тарбия жараёнининг лойиҳаси ва воситаси бўлиши керак [12; 397-б.].

Ўқув адабиётини яратишдан аввал, муаллиф унинг мазмуни қандай асослар бўйича (психиологик, дидактик, педагогик) қурилишини аниқлаши керак.

С.Г.Антонов, А.А.Вахрушева таъкидлашича ўқув адабиётининг мазмуни ўқув жараёнида инсон ривожланишининг турли кўрсаткичларини ҳисобга олувчи ўқув фаолиятининг турли хил психологик тушунчаларига асосланиши мумкин. Деярли барча муаллифлар томонидан қабул қилинувчи асослари Л.С.Выготский асарларида баён этилган ривожлантирувчи таълим назарияси бугунги кунда концепцияларнинг бутун тизимини тақдим этади, жумладан:

– фаолият назарияси А.Н.Леонтьева;
– ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш назарияси П.Я.Гальперина;
– ихтиёрий ҳаракатларнинг ривожланиш назарияси А.В.Запорожц;
– ёшни даврийлаштириш Д.Б.Эльконин;
– таълим фаолияти назарияси Д.Б.Эльконина ва В.В.Давыдова;
– мазмунни умумлаштириш назарияси В.В.Давыдова;
– юқори қийинчилик даражасида таълим концепцияси Л.В.Занкова.

Ўқув адабиётининг мазмуни турли дидактик назариялар ва ўқитиш технологияларига асосланиши мумкин:

–ривожлантирувчи таълим;
–муаммоли таълим;
–лойиҳага асосланган таълим;
–модулли таълим;
–дастурлаштирилган таълим;
–амалий фаолиятга йўналтирилган таълим;
– шахсга йўналтирилган таълим;
– фаолиятга асосланган таълим ва бошқалар.

Ушбу технологияларни дарслик матнига киритиш талабанинг фан ва фанлараро мазмундаги фаолиятининг маълум кетма-кетлигини талаб қилади [13; 41–42-б.].

Бизнинг фикримизча ўқув адабиётининг концептуал асоси уч турга бўлиниши мумкин:

– ўқув адабиётининг сиёсий-ҳуқуқий концептуал асоси;
– ўқув адабиётининг илмий-методик концептуал асоси;
– ўқув адабиётининг илмий-назарий, технологик концептуал асоси.

Ўқув адабиётини яратишда ушбу концептуал асосларга таяниш, унинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатига мослигини, дидактик имкониятлари юқорилигини ва меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Ўқув адабиётининг сиёсий-ҳуқуқий концептуал асоси

Ўқув адабиётининг сиёсий-ҳуқуқий асосига давлат миқёсида таълимни ривожлантириш, сифатини оширишга қаратилган давлат сиёсати, қабул қилинган қарорлар, фармон ва фармойишлар, қонун ва қонуности ҳужжатлари киради.

Компетенцияга йўналтирилган “Машина деталлари” фани дарслиги учун ҳуқуқий концептуал асос сифатида “Таълим тўғрисидаги қонун” Кадрлар тайёрлаш миллий дарсури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” олинган. Унинг Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар номли иккинчи бобида “Амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган”лиги алоҳида кўрсатилган. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар номли тўртинчи бобида “Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилади, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан, амалий кўникмаларни шакиллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади” дейилган кўрсатмалари мавжуд, ушбу кўрсатмалар ўқув адабиётининг асосий йўналигини белгилашга асас бўлган.

Ўқув адабиётининг илмий-методик концептуал асоси

Юқорида келтирилган эҳтибосларнинг таҳлилига кўра бизнинг фикримизча замонавий ўқув адабиётининг илмий-методик концептуал асоси сифатида ўқув адабиётининг белгиланган мақсади, мақсадга мувофиқ келувчи мазмуни, уни тушуниш, англаш ва зарурий касбий компетенцияларни самарали ривожлантириш имконини берувчи илмий жиҳатлари: ўқув адабиётини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар, унинг таркибий-функционал модели, (тузилиши) дарсликни яратиш тамойиллари ва унинг мазмунини танлаш, дидактик функциялари ва мазмун танлашнинг илмий-педагогик асослари каби мажмуа тизимини тушунишимиз лозим.

Ўқув адабиётининг илмий-назарий ва технологик концептуал асоси

Компетенцияга йўналтирилган, модулли ўқув адабиётини яратишда илмий-назарий ва технологик концептуал асос сифатида “Конструкторлик компетенцияларини босқичма-босқич шакллантириш”га йўналтирилган ривожлантирувчи таълим назарияси олинган. Дарсликнинг мазмунини шакллантиришда эса, “Амалий фаолиятга йўналтирилган таълим”, “Лойиҳавий таълим” ва “Модулли таълим”, технологиялари қабул қилинган.

Конструкторлик компетенцияларини босқичма-босқич шакллантириш назарияси П.Я. Галпериннинг ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш

назариясига асосланган. Бунда ўқув фаолиятини ташкил этишда маълум қоидаларга мувофиқ ташкил этилган ташқи объектив ҳаракатлар асосида билим, кўникма ва малакалар ривожланадиган таълим фаолиятини қуриш назарда тутилади. Амалий фаолият жараёнида шахсда ҳаракатнинг ориентирли базаси, яъни бўлажак ҳаракатни амалга оширишнинг мақсади, режаси ва воситалари ҳақидаги ғоялар тизими ривожланади.

Назарий жиҳатдан, бу назария ички психологик қонуниятларининг энг умумлаштирилган ва батафсил номотетик тавсифидир. Операцион ва технологик жиҳатдан мўлжалланган ҳаракатларни ижтимоий қимматли хусусиятларга эга бўлишни таъминлайдиган психологик шароитларнинг тўлиқ тизими ҳақида гап боради [14;17-б.].

Амалий фаолиятга йўналтирилган таълим. Бизнинг фикримизча бундай таълимни амалга ошириш учун талантли, кўп йиллик меҳнат стажига эга, ўз вазифасини самарали ва аъло даражада бажараётган мутахассиснинг касбий фаолиятини таҳлил қилиб, у ўз вазифасини тўлақонли бажариши учун зарур бўлган компетенциялар тури ва ҳажмини аниқлаш талаб этилади ва шу асосида ўқув адабиётининг мақсади белгиланади. Мақсадни амалга оширишни таъминлайдиган мазмун танланади. Танланган мазмун мақсадга элтувчи йўл харитаси тарзида молулларда жойлаштирилади. Мазмунни чуқур ўзлаштириш ва уни амалда қўллаш компетенцияларини ривожлантириш воситаси (ҳисоб чизма иши, курс лойиҳаси ёки иши) ишлаб чиқилади. Бу восита ўқув адабиётининг охирги модулида жойлаштирилади ва у талаба ўзлаштирган билимларни умумлаштириши тизимлаштириши ва амалда қўллаш орқали яхлитлаб мажмуий касбий компетенцияларни ривожлантириши лозим.

Лойиҳавий таълим. Лойиҳа асосида ўқитиш технологиясига янги товарлар ва хизматларни яратиш жараёнида шахснинг интеллектуал ва жисмоний имкониятлари, хохиш иродаси ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш орқали ўқувчи шахсини ижодий ўзини ўзи англашга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг мослашувчан модели сифатида қаралади. Лойиҳа фаолиятининг натижаси ўқув лойиҳаларидир.

Лойиҳа асосида ўқитиш технологияси келажакдаги аниқ касбидан қатъи назар, талабанинг ижодий фаолияти учун зарур бўлган ижодий қобилиятлари ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун шароит яратишга ёрдам беради [15; 351-б.].

Модулли таълим. Шахсга йўналтирилган таълим турлари орасида муҳим ўрин тутиб тобора оммалашиб бораётган таълим – модул таълими ёки модулли ўқитиш саналади.

“Модул” (лот. “modulus”) тушунчаси:

1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун;

2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама;

3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги.

Моҳиятига кўра модул модул таълими ҳамда уни ташкил этишда қўлланиладиган технологияларининг асосини ташкил этади. Дидактик имкониятига кўра ўзлаштирилиши зарур бўлган манба, ўқув материалини мантиқан тугалланган бўлакларга ажратиб ўрганиш имкониятига эга. Бошқача айтганда модул, модулли таълимининг асосий воситаси, тугалланган ахборот блоки сифатида талқин этилади. ЮНЕСКОнинг 1982 йилда ташкил этилган анжуманида эълон қилинган маърузада “модул” тушунчаси “Ўқув материалини у билан тезкор индивидуал танишиш ва кетма-кет ўрганиш асосида якка тартибдаги ва гуруҳ машғулотларида бир ёки бир неча малакани ўзлаштириш учун мўлжалланган алоҳида ўргатувчи тўплам (пакет)” деб шарҳланган [16; 30-б.].

Натижа ва мулоҳазалар

О.З.Имангожина олиб борган илмий тадқиқотлари таҳлили асосида дарслик концепциясининг тўрт: мантиқий - фалсафий, психологик, дидактик ва функционал жиҳатларини аниқлаган.

С.Г.Антонов, А.А.Вахрушева деярли барча муаллифлар томонидан қабул қилинувчи асослари Л.С.Выготский асарларида баён этилган ривожлантирувчи таълим назарияси бугунги кунда концепцияларнинг бутун тизимини тақдим этишини таъкидлаб, дидактик назариялар ва ўқитиш технологияларини келтиради.

Бизнинг фикримизча ўқув адабиётининг концептуал асоси уч турга бўлиниши мумкин:

– ўқув адабиётининг сиёсий-ҳуқуқий концептуал асоси;
– ўқув адабиётининг илмий-методик концептуал асоси;
– ўқув адабиётининг илмий-назарий, технологик концептуал асоси.

Хулосалар

Ўқув адабиётининг таълим жараёнидаги самарадорлигини таъминлаш учун уни яратишдан олдин, унинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарур. Бу ўқув адабиётининг мақсадини тўғри белгилаш, мазмунни тўғри танлаш, мақсадни амалга ошириш воситасини тўғри ишлаб чиқиш ҳамда ўқув адабиётининг таркибий тузилмасини аниқлаш имконини беради.

Ўқув адабиётини яратишда сиёсий-ҳуқуқий, илмий-методик, илмий-назарий, технологик концептуал асосларга таяниш, талабаларда зарурий касбий компетенцияларни самарали ривожлантириш имконини беради.

Адабиётлар

1. Б.Т. Каримов Янги авлод ва ананавий ўқув адабиётларининг фарқланиши// International journal of scientific researchers VOLUME 6, ISSUE1, 2024. 256–261-б.
2. Б.Т. Каримов Ўқув адабиётлари сифатини оширишда касбий фаолияни таълим фаолиятга боғлаш//Central asian journal of academic research Volume 2, Issue 12, December 2024. 19–24-б.
3. Н.А. Сергеева, Л.А. Андреева Концептуальные основы учебного пособия практикум устной речи//Ученые записки Орловского государственного университета. №4 (89), 2020. С. 247–250.
4. Валгина, Н. С. Теория текста [Текст]: уч. пособие / Н. С. Валгина. – М.: Логос, 2004. – 280 с.
5. Верлан, Н. И. Проблемы преемственности физического образования в средней и высшей школах [Текст] / Н. И. Верлан, Р. Х. Казаков // Вестник Тюменского нефтегазового университета. Региональные социальные процессы. – 2006. - № 2 (9). – С. 97 – 98.
6. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари//Тошкент «TIB-KITOB» 2009.–183-б.
7. Буланова М. В. Педагогика и психология высшей школы: Учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2002. - 544 с.
8. Белых А.С. Педагогика высшей школы: учебное пособие. – Луганск: Изд-во ЛНУ им. В. Даля, 2018 – 248 с.
9. З.М.Маъруфов Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. Москва “Рус тили нашриёти 1981. 397-б.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси//«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2017. 593-б.

11. Э. Бегматова ва бошқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.// “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2017. 405-б.
12. О.З.Имангожина Концептуальные основы разработки учебной литературы//Успехи современного естествознания №8, 2015. С. 87–89.
13. С.Г.Антонов, А.А.Вахрушева Современная учебная книга: подготовка и издание // Под ред. С.Г.Антоновой, А.А.Вахрушева. - Щ: МГУП, 2004. - 224 с.
14. П.Я. Гальперин Введение в психологию: Учебное пособие для вузов. – М.: “Книжный дом” “Университет”, 2000.–332 с.
15. Тетюкова Е.П., Белых Т.А. Проектное обучение – инновационный подход к организации учебного процесса в высших учебных заведениях РФ //https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/78833/1/fti_2019_037.pdf с. 348-358.
16. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: 2015. – 208 бет.